

## Ислом тараққиёт банки мактабларни қуриш ва таъмирлашга маблағ ажратмоқда



14:04 / 23.02.2023 1604

Ислом тараққиёт банки томонидан мактабларни қуриш ва таъмирлашга маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умарова Ислом тараққиёт банкининг Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси таълим шўбаси раҳбари Муҳаммад Мирзаи Қаҳаги, Таълим учун глобал ҳамкорлик ташкилотининг ҳудудий раҳбари Лина Бенете ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Маммедзаде билан учрашди. Музокаралар натижасига кўра, таъмирталаб мактабларда таъмир ишларини амалга ошириш, янги мактаблар ва спорт заллар қуришга маблағ ажратиладиган бўлди.

Қайд этилишича, ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган 10 минг

104 та мактаб 5,2 миллион ўқувчи ўрнига эга бўлса-да, амалда ушбу мактабларда 6,3 миллион ўқувчи таҳсил олмоқда. Таъмирталаб мактаблар сони 1 минг 250 тани ташкил этади.